

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САРИЕВ ҚАХРАМАН РАМАТУЛЛАЕВИЧ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ**  
**ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**  
**(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences**

**Сариев Қахраман Раматуллаевич**

Саноат корхоналари фаолиятини иқтисодий-статистик таҳлили  
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида).....3

**Сариев Қахраман Раматуллаевич**

Экономико-статистический анализ деятельности промышленных  
предприятий (на примере Республики Каракалпакстан).....29

**Sariev Kahraman Ramatullaevich**

Economic and statistical analysis of activities of industrial enterprises (on the  
example of the Republic of Karakalpakstan).....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САРИЕВ ҚАХРАМАН РАМАТУЛЛАЕВИЧ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ**  
**ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**  
**(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt1422 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ғойибназаров Баҳодир Каримович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Салимов Бахтиёр Таджиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (99871) 239-28-66; факс: (99871) 239-27-23; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-66.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.Қ. Абдурахманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Д. Хажиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Н.М. Маҳмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви шароитида саноат корхоналари рақобатбардошлилигини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти ва самарадорлигини ошириш, замонавий илғор технологиялар ва инновациялардан мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳонда саноат корхоналарини комплекс ривожлантириш, уларга инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатларига эришиш асосий устуворликларни белгилайди. «Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да саноат улушининг ўртача 40%га тўғри келаётгани, ривожланаётган давлатларда ўртача 20-25% бўлиши»<sup>1</sup> истиқболда бу тармоқни янада ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар олиб боришни янада кўпайтиришни талаб этади.

Жаҳонда саноат корхоналари иқтисодий фаолиятини таҳлил қилишда замонавий статистик услублардан мақсадли фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини интеграл кўрсаткичлар асосида комплекс статистик баҳолаш ва прогнозлаш ҳамда иқтисодий самарадорликни оширишнинг йўналишларига доир кўплаб илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, халқаро миллий ҳисоблар тизими («МҲТ-2008»)ни такомиллаштириш ҳисобига саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини замонавий статистик баҳолаш методологиясини такомиллаштириш, тизимли статистик таҳлил усуллари комплекс қўллаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Шунингдек, саноат корхоналари иқтисодий самарадорлиги ва инновацион фаолиятининг ривожланиши ҳамда етакчи давлатлар саноат корхоналари иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва муносабатларни янада такомиллаштиришни статистик жиҳатдан баҳолашга оид илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ҳудудларида ҳам саноат корхоналари фаолиятида иқтисодий салоҳият мажмуасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодий самарадорлигини статистик баҳолаш, молия ҳамда инвестицион салоҳиятини статистик усулларда таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳам «таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш<sup>2</sup>» каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси ҳудудларда саноат корхоналари иқтисодий ривожланишини баҳолашда 2008 йилда ишлаб чиқилган миллий ҳисоблар тизими («МҲТ-2008») халқаро стандарти услубларидан

<sup>1</sup><http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve;www.wb.org;https://stud-files.net/preview/4404434/page:30/>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

фойдаланишни такомиллаштириш, иқтисодий самарадорликни оширишни статистик жиҳатларини тадқиқ этиш ва прогнозлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саноат корхоналари иқтисодий фаолияти ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини статистик таҳлил қилишининг айрим муаммолари қатор етакчи хорижий иқтисодчи-олимларнинг адабиётлари ва илмий ишларида ўрганиб чиқилган, жумладан Ананд М. Джоглекар, Рон Кенетт, Роберт С. Витте, Б.Роберт, М.Фужита, Б.Шаун, Т.В. Шабанова, А.А. Тумасян, Л.И.Василевская, В.В.Полякова, Н.В.Шабранова В.А. Цыганов, В.М. Синельников, А.А. Халафян ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган<sup>3</sup>. Шунингдек, маҳаллий иқтисодчи

---

<sup>3</sup> Anand M. Joglekar. Industrial Statistics: Practical Methods and Guidance for Improved Performance Wiley; 1st edition (April 5, 2010) P. 288; Ron S. Kenett. Modern Industrial Statistics: The Design and Control of Quality and Reliability. Cengage Learning; 1st edition (January 20, 1998), p. 640. Robert S. Witte. Statistics, Wiley; 11th edition (December 21, 2016), p.496. Roberts B. National and regional corporate spatial structure / B. Roberts, A. Murray // The Annals of Regional Science. 2002. Vol. 36.; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. - The MIT Press, 2001. P. 384. B. Shaun and H. Glenn. Microregionalism and world order: concepts, approaches and implications. London: Palgrave Macmillan, 2003. P. 272. Шабанова Т.В. Статистика промышленности: учебное пособие / ВШТЭ СПбГУПТД.-СПб., 2017.- 63 с.; Тумасян, А. А. Статистика промышленности: учебное пособие / А. А. Тумасян, Л. И. Василевская. – Минск: Новое знание. – Москва: Инфра-М, 2017. – 429 с.; В.В.Полякова, Н.В.Шабранова «Основы теории статистики» Учебное пособие. 2-ое издание. Екатеринбург 2015 г.; В.А.Цыганов, В.М.Синельников «Статистика» учебное пособие по специальности «Экономика и организация производства в отраслях агропромышленного комплекса» Минск. БГАТУ. 2021. – 452 с. Халафян А.А. Промышленная статистика: Контроль, качества, анализ процессов планирование экспериментов в пакете STATISTIKA. Учебное пособие. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. –384 с.

олимлардан Ё.Абдуллаев, А.М.Абдуллаев А, Б.Ю.Ходиев, Н.М.Соатов, Х.А.Шодиев, М.Ҳамроев, Т.Ш.Шодиев, Б.К.Ғойибназаров, С.С.Ғуломов, Х.Набиев, М.Қ.Пардаев, Б.А.Ҳасанов, Ж.И.Исроилов, А.Н.Холикулов, Р.С.Муратов., И.А.Джалолова, С.Ш.Орипов ва бошқаларнинг илмий ишларида саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Аммо, республикамиз ҳудудларида турли мулкчилик шаклига асосланган саноат корхоналари фаолиятини статистик таҳлил қилиш методологияси ва концептуал асосларини такомиллаштириш масаласини мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида кенг ўрганилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг далзарблигини белгилайди ва мустақил тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2017092718-рақамли «Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳудудларда саноат корхоналари иқтисодий ривожланишини статистик усулларда таҳлил қилиш, самарадорлигини ошириш ва истиқболларини прогнозлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

саноат корхоналарининг иқтисодий ривожланишини статистик баҳолашнинг назарий асосларини ёритиш;

саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодий салоҳияти ва унинг самарадорлигини статистик баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикасида саноат корхоналари иқтисодий салоҳиятини таҳлил этишда «МХТ-2008» халқаро стандартига асосланган замонавий статистик услублардан фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

«МХТ-2008» халқаро стандарти ва тамойиллари асосида саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодий салоҳиятини интеграл баҳолашни

---

<sup>4</sup>Соатов Н.М. Статистика / Дарслик. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003- 573 б; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўл. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, ТДИУ, 2005.- 126 б; Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика 100 саволга 100 жавоб – Т.: «Мехнат»,1998. – 382б; Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими/ Ўқув қўл. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, ТДИУ, 2005.- 106 б; Шодиев Х., Ҳамроев М. Молия статистикаси / Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. – 236 б; Макроиқтисодий статистика. Ғуломов С.С. таҳрири остида. Т.: Дитаф. 2002. – 275 б; Абдуллаев А., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А. Эконометрика. – Т.: ТГЭУ, 2007. – 612 с.; Набиев Х,Набиев Д.Х.. Иқтисодий статистика. Дарслик, Тошкент-2008.-106 б; Муратов Р.С., Джалолова И.А, Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент -2014.- 250 б; Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Холикулов А.Н. Иқтисодий таҳлил. Дарслик.-Тошкент-2011. -136 б.

статистик кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикасида саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи омилларни эконометрик усулларни қўллаш орқали статистик баҳолаш;

саноат корхоналари бизнес жараёнлари ва маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражаси ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишда замонавий статистик услубларидан кенг фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

тизимли комплекс статистик таҳлил асосида саноат корхоналари инновацион-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш алгоритмини таклиф этиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари иқтисодий фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни маҳаллий саноат корхоналари иқтисодий ривожланиш салоҳияти ва самарадорлигини статистик таҳлил қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий ва динамик таҳлил, монографик таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслар, динамика қаторлари, вариация кўрсаткичлари, статистик жадвал ва графиклар, анкета, эксперт баҳолаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида янги инновацион лойиҳаларнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг 50 фоизгача бўлган қисмини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланиб, компенсация қилинган фоизлар бўйича чизиқли дастурлаш модели ишлаб чиқилган;

«саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўғрисида» 1-саноат (ишлаб чиқариш) ҳисобот шаклининг «истеъмол молларини ишлаб чиқариш» 2-бобига «таққослама нархларда истеъмол моллари» сатрини, «тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ва қолдиғи» 3-бобига «экспортга юклаб жўнатилган тайёр маҳсулотлар қолдиғи»ни хорижий валюталарда устунини, «Иқтисодий кўрсаткичлар» 4-бобига «улгуржи, чакана, қиёсий нархларда юклаб жўнатилган маҳсулотлар (ҚҚС ва акцизсиз)» сатрини киритиш таклиф этилган;

ҳудудий саноат корхоналари иқтисодий салоҳияти, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, фармацевтика саноатларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳажмини нормал тақсимот ва оптимал қийматлари каби омилларнинг аниқлик даражасининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

«Қорақалпоқ дон маҳсулотлари» АЖнинг иқтисодий самарадорлигини энергия тежайдиган, чиқитсиз ва кам чиқитли технологиялар асосида устувор



даражада таъминлаш асосланиб, регрессион таҳлилни босқичма-босқич амалга оширишнинг юқори адекватликка эга бўлган кўп омилли эконометрик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ташқи ва ички омилларни қўллаш, рақобатбардошлик, инвестиция оқими ҳамда инновацион самарадорлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналари иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган;

«МХТ-2008» халқаро стандарти статистик услубларини қўллаш ҳисобига саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

саноат корхоналарида иқтисодий салоҳиятни ҳамда фаолият самарадорлигини интеграл баҳолаш услуби мақсадли дастурларни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

«МХТ-2008» халқаро стандарти ва тамойиллари асосида саноат корхоналари фаолияти иқтисодий салоҳиятини интеграл баҳолашнинг статистик кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги иқтисодиёт тармоқлари таркибидаги саноат корхоналари статистик маълумотларидан кенг фойдаланилганлиги, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари ҳамда назарий ишланмалар амалий вазифаларни ҳал этишда қўлланилиши ҳамда хулоса, таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтгани, шунингдек, олинган натижалардан амалиётда фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишда, бошқарув қарорлари қабул қилиш механизминини такомиллаштиришга доир махсус статистик тадқиқотлар натижаларини жорий қилишда ҳамда жалб этиладиган инвестициялар самарасини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодий салоҳиятини статистик усулларда таҳлил қилиш, самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда саноат корхоналари фаолиятини прогнозлашда қўлланилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, «Статистика асослари», «Иқтисодий-статистик таҳлил» ҳамда «Саноат иқтисодиёти» каби фанлар бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Худудий саноат корхоналари иқтисодий замонавий статистик услубларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат корхоналарида янги инновацион лойиҳаларнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг 50 фоизгача бўлган қисмини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон «Тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 02/1106-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикасида ўндан ортиқ инновацион лойиҳаларнинг 189,8 млрд. сўм кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжининг банк кредитлари бўйича 15,4 млрд. сўм фоизли харажатлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилинган ва уни компенсация қилиш бўйича чизиқли дастурлаш модели ишлаб чиқилган;

«саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўғрисида» 1-саноат (ишлаб чиқариш) ҳисобот шаклининг «истеъмол молларини ишлаб чиқариш» 2-бобига «таққослама нархларда истеъмол моллари» сатрини, «тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ва қолдиғи» 3-бобига «экспортга юклаб жўнатилган тайёр маҳсулотлар қолдиғи»ни хорижий валюталарда устунини, «Иқтисодий кўрсаткичлар» 4-бобига «улгуржи, чакана, қиёсий нархларда юклаб жўнатилган маҳсулотлар (ҚҚС ва акцизсиз)» сатрини киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 3334-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «2022 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида» қарорига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 02/1106-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида 2022 йил учун тегишли давлат статистика ҳисоботи шакллари такомиллаштирилган;

ҳудудий саноат корхоналари иқтисодий салоҳияти, тўқимачилик, кимё, озик-овқат, қурилиш материаллари, фармацевтика саноатларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳажмини нормал тақсимот ва оптимал қийматлари каби омилларнинг аниқлик даражасининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 02/1106-сон маълумотномаси). Бу эса истиқболда ҳудудларда саноат корхоналари салоҳияти ва самарадорлигини ошириш йўналишларини статистик баҳолаш ҳамда корхоналарни ривожлантириш учун мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали имкониятлар яратиш ва корхонанинг самарали истиқболини белгилаш имконини берган;

«Қорақалпоқ дон маҳсулотлари» АЖнинг иқтисодий самарадорлигини энергия тежайдиган, чиқитсиз ва кам чиқитли технологиялар асосида устувор даражада таъминлаш асосланиб, регрессион таҳлилни босқичма-босқич амалга оширишнинг юқори адекватликка эга бўлган кўп омилли эконометрик модели Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 02/1106-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида саноат ишлаб чиқариши ва самарадорлигини халқаро андоза ва тамойиллар асосида статистик баҳолаш имкониятларини оширган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саноат корхоналарини статистик тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари», деб номланган биринчи бобида халқаро услубиётлар асосида тезкор бизнес статистиканинг асосий кўрсаткичлари тавсифланган ҳамда «МХТ-2008» халқаро стандарти методологияси асосида миллий саноат ишлаб чиқаришининг статистик кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳудуд саноат ишлаб чиқариши корхоналарининг рақобатбардошлигини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган.

Диссертация ишида, саноат ишлаб чиқаришини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизими тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини ҳамда уларнинг даражаси ва динамикасини тавсифловчи кўрсаткичларни ўз ичига мужассамлаштирилган бўлиши кераклиги таъкидланди. Бундан ташқари, унда тизим саноат ишлаб чиқариши тузилмаси ва ундаги ўзгаришларни тўлиқ акс эттириши зарурлиги, саноат маҳсулотларига талаб динамикаси ва ҳолати кўрсаткичлари тизимнинг энг муҳим қисми бўлиши кераклиги, меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилинганлик ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам статистик тизимда ўз аксини топиши лозимлиги, статистик тизим, имкон қадар, саноатнинг иқтисодий ривожланиш истиқболларини аниқлай олиш учун турли даражадаги интеграл ривожланиш кўрсаткичларини ўз ичига олиши зарурлиги келтирилган.

Иқтисодий жараённи турли ўлчамларда ёки унинг турли жиҳатларида тавсифловчи тизим кўрсаткичлари бир хил услубий асосга эга бўлиши ёки услубий жиҳатдан мувофиқлаштирилган бўлиши керак<sup>5</sup>. Саноат статистикаси кўрсаткичлари тизимига қуйидаги асосий талабларни ажратиб кўрсатиш мумкин: кўрсаткичлар қийматининг очиклиги; тўлиқлик ва мазмунан бойлиги; методологик мувофиқлаштирилганлик.

Бугунги кунга келиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва дастурларни миқдор ва сифат жиҳатидан тавсифлаш ва баҳолаш имконини берадиган кўп сонли турли иқтисодий-статистик кўрсаткичлар тизимлари ишлаб чиқилган. Уларнинг орасида миллий ҳисоблар тизими (МХТ-2008), шунингдек, тезкор бизнес-статистика (ТБС) асосий ўринни эгаллайди<sup>6</sup>.

Ўзбекистонда тезкор бизнес-статистика кўрсаткичларини ҳисоблаш учун алоҳида услубият ҳам, шунингдек, уни тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари ва қоидалар ҳам мавжуд эмас. Лекин бунда Ўзбекистонда тезкор бизнес-статистика умуман йўқ деб ҳам бўлмайди. Евростат методологиялари ва Давлат статистика кўмитаси томонидан чоп этилган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятларининг батафсил қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, ТБС асосий кўрсаткичларининг аксарияти Ўзбекистонда ҳам ҳисобланади (1-жадвал).

Муаммо шундаки, бу статистика, қоидага кўра, мақсадли йўналтирилган ҳолда (ишбилармонлик муҳитида фойдаланувчилар асосида) ўтказилмайди, балки кўпинча миллий ҳисобларни тузиш учун тайёргарлик материали сифатида кўриб чиқилади. Бу бир қатор муаммоларга, масалан, айрим кўрсаткичларнинг етишмаслигига олиб келади. Аммо, ушбу кўрсаткичлардан статистик таҳлил ва бошқа мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш учун фойдаланишни имконсиз қилиб қўймайди.

---

<sup>5</sup>Статистика: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / под ред. В.М. Гусарова, Е.И. Кузнецовой. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008- 479 с.

<sup>6</sup>Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими-макроиқтисодий таҳлил асоси. Монография. –Тошкент.: «ФАН», 2002.-125 б.

## 1-жадвал

### Халқаро услубиётлар асосида тезкор бизнес статистиканинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг тавсифи<sup>7</sup>

| № | ТБС кўрсаткич номи                       | Давлат статистика қўмитаси чоп этадиган кўрсаткичлар номи | ТБС мезонларига мувофиқлик |
|---|--|---|----------------------------|
| 1 | Ишлаб чиқариш индекси                    | Ишлаб чиқариш индекси                                     | Тўлиқ                      |
| 2 | Товар айланмаси                          | Ўз ишлаб чиқаришнинг жўнатилган товарлар ҳажми            | Тўлиқ                      |
| 3 | Олинган янги буюртмалар                  | Буюртмалар портфели                                       | Етарли даражада (муқобил)  |
| 4 | Четдан янги буюртмалар                   | Экспорт буюртмалар портфели                               | Етарли даражада (муқобил)  |
| 5 | Бандлар сони                             | Эгалланган иш ўринлари сони                               | Тўлиқ                      |
| 6 | Ишлаган соатлар сони                     | Ўртача ишлаган соатлар (ўртача иш куни давомийлиги)       | Тўлиқ                      |
| 7 | Иш ҳақи                                  | Ўртача ҳисобланган иш ҳақи                                | Тўлиқ                      |
| 8 | Ички бозорда ишлаб чиқарувчилар нархлари | Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси                       | Тўлиқ                      |

Саноат ишлаб чиқариши ривожланишини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичларнинг самарали тизимини тузиш учун маълумотларни танлаш МХТ ва ТБС кўрсаткичларининг мазмунли ва методологик таҳлили асосида амалга оширилди. Бу эса саноат ишлаб чиқаришининг барча жиҳатларини ақс эттиришнинг тўлиқлигини эмас, балки методологик даражада кўрсаткичларнинг таққосламалигини, мувофиқлаштирилганлигини таъминлайди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### «МХТ-2008» халқаро стандарти методологияси асосида миллий саноат ишлаб чиқаришининг статистик кўрсаткичлар тизими<sup>8</sup>

| №  | Кўрсаткич                                     | Шакл  | Киритишдан мақсад  |
|----|---|---|--|
| 1  | Ялпи ишлаб чиқариш                            | Миллий валюта, таққослама нархлар, мутлоқ ва нисбий миқдорлар           | Саноат таркиби, ишлаб чиқариш ва истеъмол таҳлили  |
| 2  | Оралик истеъмол                               |   |  |
| 3  | Қўшилган қиймат                               |   |  |
| 4  | Товар айланмаси                               | Занжирсимон иқтисодий индекслар   | Ички ва ташқи истеъмолчилар томонидан саноат маҳсулотларига бўлган талаб таҳлили   |
| 5  | Нарх индекси                                  |   |  |
| 6  | Товар (хизмат) лар экспорти, импорти          | АҚШ долл., мутлоқ ва нисбий миқдорлар                                   | Ишлаб чиқариш физик ҳажми динамикасининг таҳлили<br>Саноатда ва унинг алоҳида соҳаларида ўрта муддатли тенденцияларни таҳлил қилиш |
| 7  | Саноат ишлаб чиқариши индекси                 | Занжирсимон иқтисодий индекслар   |  |
| 8  | Иқтисодиётда банд бўлганлар сони              |   |  |
| 9  | Ўртача иш ҳақи                                |   |  |
| 10 | Ўртача ишланган соатлар сони                  |   |  |
| 11 | Асосий капиталга инвестициялар                | Миллий валюта (сўм), мутлоқ ва нисбий миқдорлар                         | Ўзбекистон иқтисодиётида қисқа муддатли тенденцияларни иқтисодий-статистик таҳлил қилиш  |
| 12 | Иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари | Таққослама нархлар  |  |
| 13 | Бошқа макроиқтисодий-статистик кўрсаткичлар   | Иқтисодий индекслар, мутлоқ ва нисбий миқдорлар, вариация кўрсаткичлари |  |

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда «МХТ-2008» халқаро стандарти методологияси асосида саноат ишлаб чиқариши фаолиятини таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимида қуйидаги кўрсаткичлар статистик гуруҳини ажратиб кўрсатиш тавсия этилган:

**биринчи гуруҳ:** саноат ишлаб чиқариш тузилмаси статистик кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш (**ЯИЧ**), оралиқ истеъмол (**ОИ**) ва ялпи қўшилган қиймат (**ЯҚК**) киради.

**иккинчи гуруҳ:** саноат маҳсулотларига бўлган талабни тавсифловчи статистик кўрсаткичлар киради. Аввало, уларга тезкор бизнес-статистика кўрсаткичлари, хусусан, товар айланмаси индекси (**Ј<sub>qp</sub>**) ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (**Ј<sub>p</sub>**) киради. Ушбу гуруҳнинг яна бир блоки ташқи савдо кўрсаткичлари, хусусан, божхона статистикаси маълумотлари бўйича товар (хизмат)лар экспорти ва импорти ҳамда умумий ташқи савдо айланмаси ҳисобланади.

**учинчи гуруҳ:** тармоқнинг ривожланиш истиқболларини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар киради. Бу гуруҳга: ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони (**T**), бир ходимнинг ўртача ишлаган соатлари сони (**t**) ва ўртача иш ҳақи (**z**) киради.

**тўртинчи гуруҳ:** тезкор бизнес-статистиканинг бир кўрсаткичи - саноат ишлаб чиқаришининг жисмоний ҳажми (**Ј<sub>q</sub>**) динамикасини тавсифлайдиган саноат ишлаб чиқариш индексидан (**Ј<sub>qp</sub>**) иборат.

**бешинчи гуруҳ:** Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг қисқа ва ўрта муддатли тенденцияларини таҳлил қилиш учун мўлжалланган. Унда юқоридаги барча кўрсаткичлар плюс конъюнктура ва макроиктисодий статистиканинг асосий кўрсаткичлари: инфляция, чораклик ЯИМ (**Q**), миллий валюта курси ва бошқалар киради.

Олинган тизим кўплаб мамлакатларда кузатиладиган бир нечта жараёнлар учун кенг доирадаги кўрсаткичларни қамраб олади (алоҳида саноат тармоқлари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда), шу сабабли етарли даражада катта бўлиб, маълумотлар тўплами кўринишида сақлашни тақозо этади. «МХТ-2008» халқаро стандарти методологияси асосида статистик кўрсаткичлар тизимини маълумотлар билан тўлдиришда БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Евростат маълумотлар тўпламлари, шунингдек, миллий статистика идораларининг ахборот манбаларидан фойдаланилади. Шу билан бирга, алоҳида кўрсаткичларнинг қийматлари (айрим статистик кузатишларда) ва тақдим этилган зарур шакллар (ҳисобот)нинг йўқлигини қайд этиш лозим. Бу муаммони ҳал қилиш учун имкон қадар қолдириб кетилган маълумотларни тўлдириш ва кўрсаткичларни, шу жумладан индексли кўрсаткичларни шакллантириш учун халқаро даражада умумэтироф этилган замонавий статистик усуллардан фойдаланилади<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Симонова М.Д. Информационная база структурного анализа ОЭСР: отраслевые принципы в исследовании рынков товаров и услуг // Вестник МГИМО-Университета. 2015. № 3. С. 190–198; Симонова М.Д. Анализ развития информационной базы экономической глобализации на современном этапе // Вестник МГИМО-Университета. 2011. № 2. С. 182–187.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикасида саноат корхоналари иқтисодий ривожланишининг статистик таҳлили» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон Республикаси индустриал тизимининг ҳудудий ривожланиш хусусиятлари аниқланган, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг таркибий ўзгаришлари статистик баҳоланган, саноат тармоғининг ички тузилмаси ва динамикасининг иқтисодий-статистик кўрсаткичлари статистик таҳлил этилган ҳамда маҳаллий саноат корхоналаридаги асосий тенденцияларига оид масалалар ёритилган.

Саноат тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини давом эттириш-Ўзбекистон муваффақиятининг асосий омили саналади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, бугунги кунда саноатни юксак даражада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил ижроси барча тармоқлар фаолиятида қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

Тадқиқотда республикамиз ҳудудларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг динамикаси статистик таҳлил қилинган ва тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси бўйича жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудлар улуши (жамига нисбатан фоизда)<sup>10</sup>

| Ҳудудлар                              | Йиллар     |            |            |            |            |            |            |
|---------------------------------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|
|                                       | 2014       | 2015       | 2016       | 2017       | 2018       | 2019       | 2020       |
| <b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>   | <b>2,0</b> | <b>2,4</b> | <b>3,8</b> | <b>4,6</b> | <b>4,6</b> | <b>3,9</b> | <b>3,9</b> |
| Андижон                               | 12,5       | 10,0       | 7,1        | 8,9        | 11,7       | 10,3       | 9,7        |
| Бухоро                                | 4,7        | 5,3        | 5,0        | 4,3        | 3,7        | 4,6        | 4,8        |
| Жиззах                                | 1,4        | 1,5        | 1,8        | 1,7        | 1,5        | 1,4        | 1,5        |
| Қашқадарё                             | 8,6        | 8,9        | 8,6        | 7,4        | 6,2        | 6,3        | 4,0        |
| Навоий                                | 9,8        | 9,5        | 9,5        | 8,8        | 9,7        | 13,8       | 17,7       |
| Наманган                              | 2,8        | 2,9        | 3,1        | 3,1        | 2,8        | 2,7        | 3,0        |
| Самарқанд                             | 5,9        | 6,2        | 6,7        | 6,2        | 5,7        | 4,9        | 4,9        |
| Сурхондарё                            | 1,9        | 2,0        | 2,0        | 1,6        | 1,4        | 1,3        | 1,5        |
| Сирдарё                               | 2,8        | 2,9        | 3,1        | 2,6        | 2,2        | 2,3        | 2,2        |
| Тошкент                               | 14,8       | 14,8       | 15,1       | 14,6       | 16,0       | 16,6       | 17,6       |
| Фарғона                               | 7,9        | 7,3        | 7,2        | 6,5        | 5,8        | 5,8        | 5,9        |
| Хоразм                                | 2,3        | 2,7        | 2,5        | 2,7        | 2,7        | 2,6        | 2,6        |
| Тошкент ш.                            | 18,4       | 19,5       | 21,0       | 20,5       | 18,4       | 16,4       | 18,2       |
| Вариацион кенглик (R)                 | 17         | 18         | 19,2       | 18,9       | 17         | 15,1       | 16,7       |
| Ўртача миқдор ( $\bar{x}$ )           | 6,8        | 6,9        | 6,9        | 6,7        | 6,6        | 6,6        | 7,0        |
| Ўртача квадратик тавофут ( $\sigma$ ) | 5,2        | 5,13       | 3,76       | 5,14       | 5,21       | 5,22       | 6,02       |

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилга келиб, жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмида энг кўп улуш Тошкент шаҳрига (18,2%), Навоий (17,7 %), Тошкент (17,6%), Андижон (9,7%) вилоятларига, энг паст улуш эса Сурхондарё (1,5%), Жиззах (1,5%), Сирдарё (2,2%), Хоразм (2,6%), Наманган (3,0%), вилоятларида қайд этилган. Қолган ҳудудларни улуши ўртача даражада: 3,9%- 5,9% оралиғида бўлган.

Таҳлил натижалари орқали ҳудудларни sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси бўйича учта гуруҳга: sanoati юқори даражадаги ривожланган, ўртача ривожланган, паст ривожланган ҳудудларга ажратдик.

Sanoati юқори ривожланган ҳудудларга Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари; sanoati ўртача ривожланган ҳудудларга Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари, паст ривожланган ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари киритилди. Ушбу ривожланиш тенденцияси сақланиб қоладиган бўлса, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ янада кескинлашади.

Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: республикамиз аҳолисининг кўчишга мойил эмаслиги, ҳудудларда минерал-хомашё захиралари нотекис жойлашганлиги, ҳудудларда sanoat ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган малакали ишчилар камлиги ва бошқалар.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикасида 2020 йилда 2000 йилга нисбатан sanoat маҳсулоти ҳажми сезиларли даражада ошган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасида sanoat тармоғи кўрсаткичлари динамикаси (жорий нархларда, млрд.сўм)<sup>11</sup>

| Йил                    | 2000  | 2005  | 2010  | 2015   | 2016   | 2017   | 2018    | 2019    | 2020    |
|------------------------|-------|-------|-------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|
| Саноат маҳсулоти ҳажми | 44,16 | 198,8 | 697,2 | 2387,6 | 4265,7 | 6773,3 | 10911,9 | 12729,7 | 13981,3 |
| шу жумладан:           |       |       |       |        |        |        |         |         |         |
| Озиқ-овқат             | 13,05 | 37,2  | 169,1 | 827,2  | 925,0  | 1010,1 | 1308,1  | 1730,5  | 1993,8  |
| Металлургия            | -     | -     |       | 0,5    | 0,4    | 0,7    | 0,5     | 1,9     | 2,7     |
| Кимё                   | 0,04  | 0,4   | 35,4  | 343,2  | 2001,3 | 4062,2 | 6836,2  | 7297,2  | 7291,2  |
| Машинасозлик           | 2,22  | 1,5   | 3,9   | 17,6   | 28,4   | 18,7   | 276,6   | 260,7   | 286,3   |
| Енгил sanoat           | 11,38 | 69,8  | 196,7 | 442,7  | 520,9  | 668,5  | 882,5   | 1064,7  | 1169,4  |
| Энергетика             | 9,67  | 50,6  | 178,0 | 434,3  | 441,5  | 446,8  | 596,1   | 1090,9  | 1198,2  |
| Тоғ-кон                | 2,35  | 24,0  | 62,4  | 136,4  | 169,7  | 234,7  | 356,7   | 465,6   | 154,0   |
| Қурилиш материалари    | 4,03  | 5,9   | 18,9  | 125,6  | 114,9  | 217,6  | 413,3   | 563,3   | 618,7   |
| Бошқалар               | 1,42  | 9,4   | 32,8  | 60,1   | 63,6   | 114,0  | 241,9   | 254,9   | 1267,0  |

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



Ушбу ҳолат республикада Кўнғирот сода заводининг ишга туширилиши, катта миқдорда инвестициялар ажратилиши, тармоқни модернизациялаш ва диверсификациялашга алоҳида эътибор берилганлиги билан изоҳланади.

Республикада 2000 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти умумий ҳажмида озиқ-овқат саноати 29,5 фоиз, енгил саноат 25,8 фоиз, энергетика 21,9 фоизлик асосий улушни эгаллаган. Қолган соҳалар (кимё, машинасозлик, тоғ-кон ва бошқалар)нинг улуши жуда паст бўлган. 2020 йилга келиб, республика умумсаноат маҳсулотлари ҳажмида кимё саноати 52,1 фоиз, озиқ-овқат саноати 14,3 фоиз, энергетика 8,6 фоиз, енгил саноати 8,4 фоизлик улушни эгаллади.

Таҳлилларимиздан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида 2015 йилдан бошлаб, саноат умумий ишлаб чиқаришида кимё саноати юқори салмоққа эга бўлмоқда. 2020 йилда республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида қурилиш материаллари 4,4 фоиз, тоғ-кон 1,1 фоиз, бошқа соҳалар 9,1 фоиз улушга эга бўлган.

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти ва унинг таркибий қисми бўлган ҳудудий саноат ишлаб чиқаришида ҳам юқорида айтиб ўтилган таркибий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Саноат ишлаб чиқаришининг асосий макроиктисодий ва ҳудудий кўрсаткичлари таҳлили саноат тармоқлари ривожланишида ўзига хос ўзгариш қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлаш имконини беради.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуд жиҳатидан мамлакатимиз ҳудудининг катта қисмида (мамлакат умумий ер майдонининг 34,0 фоизини ташкил этади) жойлашган бўлса-да, ҳудудлар кесимида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг нисбатан кичик қисмини ишлаб чиқарувчи ҳудудий бирлик ҳисобланади. 2010-2020 йиллар оралиғида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ЯИМдаги улушининг ўзгариши таҳлили бу кўрсаткичнинг 2010 йилдаги 2,7 %дан (2012,1 млрд. сўм) 2020 йилда 3,9 % (18735,7 млрд. сўм)га ортганлигини кўрсатади. Бундай ўзгаришнинг асосий омили сифатида сўнгги ўн йилликда ҳудуд саноатига тармоқ ва давлат дастурлари воситасида киритилган инвестициялар ҳажмини кўрсатиш мумкин.

Республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат маҳсулоти ҳажмининг ҳудудлар кесимидаги таҳлилда ҳам жадвалдаги кўрсаткичларнинг ўзгариши ифодасини кўриш мумкин (5-жадвал).

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқилган саноат маҳсулотлари ҳажмида ҳам, жадвалда кўрилганидек, Нукус шаҳри бўйича кўрсаткич қолган ҳудудларга нисбатан юқори кўрсаткични ташкил этиши билан бирга, Тахиятош туманидан ташқари бошқа ҳудудлардаги кўрсаткичдан ўртача 6-7 марта юқорилиги кўринади. Тахиятош туманида эса бу кўрсаткич Нукус шаҳрига нисбатан 1,2 марта паст бўлишига қарамай, қолган ҳудудларга нисбатан ўртача 4-5 марта ортиқ бўлган.

## 5-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти  
ҳажмининг ўзгариши<sup>12</sup> (жорий нархларда, минг сўм)**

| Ҳудудлар    | Йиллар       |              |              |              |              |               |               |               |               |               |               | 2020 йилда<br>2010 йилга<br>нисбатан<br>ўзгариши,<br>марга |
|-------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|--|
|             | 2010         | 2011         | 2012         | 2013         | 2014         | 2015          | 2016          | 2017          | 2018          | 2019          | 2020          |  |
| <b>Жами</b> | <b>420,9</b> | <b>532,2</b> | <b>607,5</b> | <b>793,9</b> | <b>981,4</b> | <b>1343,5</b> | <b>2364,2</b> | <b>3701,4</b> | <b>5879,1</b> | <b>6759,8</b> | <b>7316,0</b> | <b>17,4 м.</b>   |
| Нукус шаҳри | 672,3        | 923,4        | 977,9        | 1350,0       | 1621,8       | 2492,4        | 8013,7        | 14725,3       | 24857,1       | 25775,5       | 24429,4       | 36,3 м.  |
| Амударё     | 307,3        | 360,8        | 410,8        | 517,3        | 576,4        | 820,0         | 932,0         | 1198,5        | 1629,2        | 1863,5        | 2057,9        | 6,7 м.   |
| Беруний     | 282,0        | 330,5        | 438,8        | 537,8        | 570,5        | 781,5         | 861,5         | 1110,5        | 1254,8        | 1399,6        | 1912,1        | 6,8 м.   |
| Бўзатов     | -            | -            | -            | -            | -            | -             | -             | -             | -             | 1030,8        | 5451,6        | 5,3 м <sup>х</sup> .                                       |
| Қонликўл    | 221,4        | 106,8        | 146,3        | 278,1        | 281,1        | 337,1         | 1794,2        | 1954,7        | 3401,6        | 5592,3        | 6566,3        | 29,7 м   |
| Қораўзак    | 94,7         | 121,7        | 188,4        | 508,0        | 669,0        | 917,9         | 741,5         | 1411,0        | 2771,7        | 3974,7        | 4210,7        | 44,5 м.  |
| Кегейли     | 360,4        | 534,6        | 592,7        | 786,3        | 790,7        | 999,7         | 1227,6        | 1454,7        | 1953,7        | 2601,2        | 4047,9        | 11,2 м.  |
| Қўнғирот    | 212,9        | 260,5        | 415,0        | 464,2        | 1601,2       | 2473,2        | 1348,9        | 1544,6        | 1727,6        | 1992,8        | 5004,5        | 23,5 м.  |
| Мўйноқ      | 1888,2       | 2319,6       | 2087,3       | 1163,7       | 1863,6       | 397,9         | 2887,5        | 5233,2        | 9049,7        | 12899,1       | 4688,4        | 2,5 м.   |
| Нукус       | 191,3        | 299,5        | 287,4        | 435,2        | 442,1        | 686,1         | 717,1         | 807,6         | 1245,5        | 4743,8        | 5515,5        | 28,8 м   |
| Тахиятош    | -            | -            | -            | -            | -            | -             | -             | 5039,6        | 8049,9        | 14067,5       | 19799,6       | 3,9 м <sup>хх</sup> .                                      |
| Тўхтакўпир  | 79,0         | 105,0        | 137,3        | 260,9        | 263,6        | 352,5         | 400,0         | 717,3         | 605,4         | 3608,3        | 4787,6        | 60,6 м.  |
| Тўрткўл     | 203,9        | 242,9        | 313,6        | 403,8        | 447,2        | 743,2         | 762,0         | 837,2         | 1140,3        | 1361,2        | 2006,0        | 9,8 м.   |
| Хўжайли     | 1052,5       | 1334,0       | 1586,8       | 2027,3       | 2291,8       | 2580,6        | 2955,2        | 2284,7        | 2754,7        | 2859,2        | 3567,9        | 3,4 м.   |
| Чимбой      | 156,2        | 178,2        | 200,9        | 320,0        | 380,7        | 758,1         | 951,2         | 1099,0        | 1216,3        | 1683,7        | 2240,1        | 14,3 м.  |
| Шуманай     | 45,5         | 56,5         | 63,8         | 157,6        | 155,7        | 367,3         | 403,6         | 424,9         | 704,1         | 1011,5        | 2810,1        | 61,8 м.  |
| Элликқалъа  | 210,9        | 285,2        | 313,6        | 560,0        | 562,3        | 730,1         | 752,2         | 779,8         | 1163,1        | 1703,4        | 2088,6        | 9,9 м.   |

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Изоҳ: \*Бўзатов тумани аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари кўрсаткичлари 2020 йилда 2019 йилга нисбатан нисбий ўсиши баҳоланган; <sup>хх</sup> Тахиятош тумани аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари кўрсаткичлари 2020 йилда 2017 йилга нисбатан нисбий ўсиши баҳоланган.

Юқоридаги таҳлиллар ва улар асосида аниқланган тенденциялардан келиб чиқиб, республикада тармоқ ва ҳудудлар кесимида саноат ишлаб чиқаришини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишда уларга эскирган жиҳозларни босқичма-босқич муомаладан чиқариб бориш бўйича чора-тадбир ва талабларнинг киритилишини таъминлаш;

2) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш зарур;

3) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан жараёнлар узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш;

4) маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш;

5) корхона асосий воситалари таркибидаги мақбул нисбатларнинг сақланишини таъминлаш зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси саноат тармоқларининг умумий ривожланишида тармоқ таркибида бўлган ва тармоқнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолияти муҳим ўрин тутди. Саноат корхоналарининг аксарияти минтақа ҳудудидаги мавжуд ҳудудий устунликлардан фойдаланган ҳолда фаолият юритиши ҳисобига улар мавжуд рақобат шароитида бошқа тармоқ корхоналарига нисбатан иқтисодий афзалликлардан фойдаланадилар.

Ҳудуд саноат корхоналарининг фаолият самарадорлиги ҳолатини баҳолаш мақсадида республика саноатида энг йирик ҳисобланган 4 та саноат корхонаси (2 та озиқ-овқат саноати ва 2 та кимё саноати) иқтисодий фаолиятининг айрим кўрсаткичлари таҳлил қилинди (6-жадвал).

«Қорақалпоқ дон маҳсулотлари» АЖда 2020 йилда маҳсулот сотишдан соф тушум 108588,7 млн.сўмга (ўсиш 53,8%), жами харажатлар 100828,6 млн.сўмга (ўсиш 61,6%) тенг бўлган. 2020 йилда умумий харажатларнинг 4,6 %ни (4672,5 млн.сўм) иш ҳақиға ажратилган харажатлар ва 0,46 %ни (467,7 млн.сўм) асосий воситалар амортизациясига ажратмалар ташкил этган. Ушбу йилда корхонанинг умумий рентабеллик даражаси 2019 йилдаги 0,5 % кўрсаткичдан 0,9 % га ортган.

«Кўнғирот сода заводи» АЖнинг 2020 йилдаги маҳсулот сотишдан соф тушуми 77992,4 млн.сўмга (ўсиш 26,1 %), жами харажатлар 405433 млн сўмга (ўсиш 19,2 %) тенг бўлиб, қолган 3450,3 млн. сўм ҳисобот даврининг соф фойдасини ташкил этган.

2020 йилда умумий харажатларнинг 14,8 %ини (59992 млн. сўм) иш ҳақиға ажратилган харажатлар ва 7,7 %ини (31321 млн. сўм) асосий воситалар амортизациясига ажратмалар ташкил этган. Ушбу йилда корхонанинг умумий рентабеллик даражаси 2019 йилдаги кўрсаткичдан 0,5 % га ортиб, 1,5 % ни ташкил этган.

Озиқ-овқат саноати таркибига кирувчи яна бир йирик саноат корхонаси «Нукус вино заводи» АЖнинг 2020 йилдаги маҳсулот сотишдан соф тушуми 145770 млн. сўми ташкил қилиб, унинг 88,8 %ини (129492,2 млн. сўм) умумий харажатлар ҳамда қолган 9,6 %ини (13992,5 млн сўм) ҳисобот даврининг соф фойдаси ташкил этган. 2020 йилда умумий харажатларнинг 13,4 %ини (17313 млн. сўм) иш ҳақиға ажратилган харажатлар ва 1,9 %ини (2478,7 млн. сўм) асосий воситалар амортизациясига ажратмалар ташкил этган. Ушбу йилда корхонанинг умумий рентабеллик даражаси 14,6 % га тенг бўлган.

#### 6-жадвал

### Айрим йирик ҳудудий саноат корхоналари фаолиятининг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари<sup>13</sup> (жорий нархларда, млн.сўм)

| №  | Корхоналар ва уларнинг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари | 2019 йил  | 2020 йил  | 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши, % |
|--|---|-----------|-----------|--|
| <b>Қорақалпоқ дон маҳсулотлари АЖ (озиқ-овқат саноати)</b> |   |           |           |  |
| 1.   | Маҳсулот сотишдан соф тушум                             | 70603,1   | 108588,7  | 153,8                                      |
|  | Жами харажатлар   | 62399,9   | 100828,6  | 161,6                                      |
|  | <i>Шундан:</i>  |           |           |  |
|  | - иш ҳақи   | 3471,2    | 4672,5    | 134,6                                      |
|  | - асосий воситалар амортизацияси                        | 270,9     | 467,7     | 172,6                                      |
|  | Ҳисобот даврининг соф фойдаси                           | 78,9      | 696,1     | 8,8 м.                                     |
|  | Рентабеллик даражаси, %                                 | 0,5       | 0,9       | 0,4  |
| <b>Кўнғирот сода заводи АЖ (кимё саноати)</b>              |   |           |           |  |
| 2.   | Маҳсулот сотишдан соф тушум                             | 298987,1  | 376979,5  | 126,1                                      |
|  | Жами харажатлар   | 340127,2  | 405432,9  | 119,2                                      |
|  | <i>Шундан:</i>  |           |           |  |
|  | - иш ҳақи   | 45839,1   | 59992,3   | 130,9                                      |
|  | - асосий воситалар амортизацияси                        | 29047,6   | 31321,3   | 107,8                                      |
|  | Ҳисобот даврининг соф фойдаси                           | 1834,7    | 3450,3    | 188,1                                      |
|  | Рентабеллик даражаси, %                                 | 1,0       | 1,5       | 0,5  |
| <b>Нукус вино заводи АЖ (озиқ-овқат саноати)</b>           |   |           |           |  |
| 3.   | Маҳсулот сотишдан соф тушум                             | 150958,1  | 145770,2  | 96,6                                       |
|  | Жами харажатлар   | 125294,8  | 129491,5  | 103,3                                      |
|  | <i>Шундан:</i>  |           |           |  |
|  | - иш ҳақи   | 17501,7   | 17313,1   | 98,9                                       |
|  | - асосий воситалар амортизацияси                        | 1763,8    | 2478,7    | 140,5                                      |
|  | Ҳисобот даврининг соф фойдаси                           | 22787,4   | 13992,5   | 61,4                                       |
|  | Рентабеллик даражаси, %                                 | 24,4      | 14,6      | -9,8                                       |
| <b>«Uz-Kor Gas Chemical» (кимё саноати)</b>                |   |           |           |  |
| 4.   | Маҳсулот сотишдан соф тушум                             | 6788411,3 | 7164893,1 | 105,5                                      |
|  | Жами харажатлар   | 2881712,2 | 1936441,2 | 67,2                                       |
|  | <i>Шундан:</i>  |           |           |  |
|  | - иш ҳақи   | 176154,3  | 205373,5  | 116,6                                      |
|  | - асосий воситалар амортизацияси                        | 426902,1  | 436322,6  | 102,2                                      |
|  | Ҳисобот даврининг соф фойдаси                           | 6752750,1 | 4285013,8 | 63,5                                       |
|  | Рентабеллик даражаси, %                                 | 488,0     | 171,0     | -317,0                                     |

<sup>13</sup> Корхоналар статистик шакллари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кимё саноати таркибига кирувчи яна бир йирик саноат корхонаси «Uz-Kor Gas Chemical» нинг 2020 йилдаги маҳсулот сотишдан соф тушуми 7164893 млн. сўмни ташкил қилиб, унинг 27,0 % и (1936441 млн. сўм)ни умумий харажатлар ҳамда қолган 59,8 %и (4285014 млн. сўм)ни ҳисобот даврининг соф фойдаси ташкил этган. 2020 йилда умумий харажатларнинг 10,6 %и (205374 млн. сўм)ни иш ҳақига ажратилган харажатлар ва 22,5 %и (436323 млн. сўм)ни асосий воситалар амортизациясига ажратмалар ташкил этган. Ушбу йилда корхонанинг умумий рентабеллик даражаси 171 % га тенг бўлган.

Диссертациянинг **«Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш»** деб номланган учинчи бобида худудларда саноат корхоналарининг иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, корхоналар иқтисодий салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларини эконометрик моделлари ва прогнозларини тузиш масалалари баён этилган.

Диссертация ишида иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида саноат корхоналарини янада тараққий эттиришнинг муҳим ўзаги ҳисобланган янги инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва уни тизимга жорий этишга доир изланишлар юритилиб, илмий лойиҳаларни олиб бориш учун инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши учун корхона маблағлари билан бир қаторда молия институтлари маблағларидан ҳам фойдаланиш зарурияти аниқланган.

Худуд саноат корхоналари томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжини молия институтлари, хусусан, тижорат банклари кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг 50 фоизгача бўлган қисмини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий-амалий қарашлар нуктаи назаридан асослаб берилган.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси саноат корхоналари томонидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжини банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг ярмини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилинадиган фоизлар бўйича чизиқли дастурлаш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда, бугунги кунда миллий статистика тизимида фойдаланиб келинаётган «1-саноат (ишлаб чиқариш)» статистик ҳисобот шаклини миқдорий кўрсаткичлар билан бирга сифат кўрсаткичлари асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар берилган. Мазкур ҳисоботни саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бўлган юридик шахслар (кичик корхоналар ва микрофирмалардан ташқари) ва уларнинг алоҳида бўлинмалари, нотижорат ташкилотлари тақдим этиб борадилар. «1-саноат (ишлаб чиқариш)» статистик ҳисобот шакли йиллик ҳисобот бўлганлиги

учун уни тақдим этувчи юридик шахслар ҳисобот йилининг 16 февралдан кечиктирмай топширишлари зарур.

Мазкур ҳисоботнинг иккинчи боби, «Истеъмол моллари ишлаб чиқариш» деб номланиб, амалдаги нархларда истеъмол моллари (ҚҚС акцизсиз), шу жумладан озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво келтирилган бўлиб, фақатгина жорий нархларда келтирилган. Шуни ҳисобга олиб, ушбу бобда келтирилган кўрсаткичларни таққослама нархларда ҳам келтириш таклиф этилган.

Шунингдек, «1-саноат (ишлаб чиқариш)» шаклининг учинчи боби «Тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ва қолдиғи» деб номланади. Ушбу бобда юклаб жўнатиш жами маҳсулотлар, шу жумладан экспортга, республика ичида ҳамда йил боши ва йил охирига тайёр маҳсулотлар қолдиғи кўрсаткичлари келтирилган. Бунда барча кўрсаткичлар жорий нархларда келтирилган. Шу сабабли экспорт ҳажмини хорижий валюталар (АҚШ доллари ёки евро)да ҳам келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган.

«1-саноат (ишлаб чиқариш)» шакли тўртинчи боби «Иқтисодий кўрсаткичлар» деб номланиб, унда сотиш нархларида юклаб жўнатиш маҳсулотлар (ҚҚС ва акцизсиз) кўрсатилган. Аммо ушбу маҳсулотни қайси сотиш нархларида (улгуржи, чакана, амалдаги, қиёсий) эканлигини аниқ кўрсатилмаган. Шунингдек, ушбу бобда «амалдаги нархларда саноат туридаги хизматларнинг кўрсаткичи келтирилган, ушбу кўрсаткични ҳам таққослама нархларда келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, фақат саноат маҳсулоти ҳажмигина таққослама нархларда эмас, балки истеъмол моллари ишлаб чиқариш, кўрсатилган саноат туридаги бозор хизматларининг барчаси қиёсий нархларда келтирилиши зарур.

Шунингдек, тадқиқот ишида саноат тармоғида йиғиладиган статистик кўрсаткичлар таркиби, қўлланиладиган услубиётларни янада такомиллаштириш, ҳисоб-китоб тизимини яхшилаш ва ҳудудлар даражасида тармоқни ривожланишини комплекс статистик баҳолаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида саноат маҳсулотлари ялпи қўшилган қиймат ( $I_{qp}$ ), саноат маҳсулотлари физик ҳажм индекси ( $I_q$ ) ҳамда нарх индекси ( $I_p$ ) лари орасидаги ўзаро боғланишлар таҳлил этилган. Улар қуйидаги формулалар билан ифодаланган:

1. Саноат тармоғи ялпи қўшилган қиймати умумий индекси ( $I_{qp}$ ):

$$I_{qp} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0} \quad (1)$$

бу ерда:  $q_1$  ва  $q_0$  – ҳисобот ва базис даврлардаги саноат маҳсулотлари ҳажми;  $p_1$  ва  $p_0$  – ҳисобот ва базис даврлардаги саноат маҳсулоти бирлиги нархи;

2. Саноат маҳсулотлари физик ҳажми умумий индекси ( $I_q$ ):

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} \quad (2)$$

Ушбу индекснинг иқтисодий моҳияти шундаки, у ҳисобот даврдаги саноат маҳсулоти ҳажмининг базис нархлардаги қийматини базис даврдаги саноат маҳсулоти ҳажмининг базис нархлардаги қийматига нисбатини ифодалайди.

3. Саноат маҳсулотлари нархининг умумий индекси ( $I_p$ ) :

$$I_p = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} \quad (3)$$

Ушбу индекснинг иқтисодий мазмуни шундаки, у ҳисобот даврдаги жорий нархларда ифодаланган саноат маҳсулотлари ҳажмини таққослама нархлардаги саноат маҳсулотлари ҳажмига нисбатан ўзгаришини ифодалайди.

Юқоридаги саноат тармоғи фаолиятини ифодаловчи умумий индекслар орасидаги боғланиш қуйидагига тенг:

$$I_{qp} = I_q * I_p$$

ёки

$$\frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} \times \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} \quad (4)$$

Замонавий шароитларда миллий иқтисодиётни стратегик юксалтириш муҳим тармоқларни ривожлантиришга қаратилган ва сўнгги бир неча йил ичида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ва ривожланиш дастурларида акс эттирилган тамойилларга асосланади.

Стратегик мақсадга мувофиқ, бевосита саноат тармоғини ривожлантиришга ҳам, умуман иқтисодий ўсишга ҳам алоқадор бўлган бир қатор стратегик йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан:

1. Жаҳон бозорида тармоқлар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга юқори технология ва инновациялар бозорларини ривожлантириш йўли билан эришиш режалаштирилган. Жаҳон иқтисодиётининг ўсиши мамлакат саноатидан инновацион ва юқори технологияли соҳалардаги позицияларни кучайтиришни талаб қилади. Ушбу масалани иқтисодиётни диверсификация қилиш, юқори технологияли тармоқларни ривожлантириш, шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига экспорт қилиш мақсадида анъанавий саноат тармоқларини модернизация қилиш воситасида ҳал этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг инновацион таркибий қисмларини ривожлантириш учун давлат томонидан давлат-хусусий шерикчилик борасида ўзаро алоқалар даражасини ошириш, шунингдек, илм-фан ва бизнес ўртасидаги алоқаларни кучайтириш кўзда тутилган.

2. Минтақалар ривожланишида тенгсизликни камайтириш. Бу вазифани турли ҳудудларнинг рақобат устунликларини аниқлаш ва олинган натижаларга мувофиқ, иқтисодий ўсишнинг минтақавий марказларини яратиш орқали амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтирилган ҳудудий ишлаб чиқариш


кластерларини яратиш орқали минтақалар ривожланишидаги фарқланишни камайтириш режалаштирилган.

3. Саноатда малакали мутахассислар сонини ошириш. Бу вазифа асосан таълим ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган.

4. Ресурслар базасини ривожлантириш, қайта тикланадиган ёқилғи-энергетика ресурслари, чиқитсиз ва кам чиқитли ва энергия тежаш тизимини жорий қилиш ҳисобига ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ва х.к.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларининг эконометрик таҳлилида кўп омилли ишлаб чиқариш функциялари ва улардан келиб чиқадиган функциялардан кенг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий саноат тармоғининг ривожланиш ҳолатини кўп омилли боғланиш асосида ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги эконометрик моделларини аниқлаймиз. Аниқланадиган моделлар ҳудуд саноатини ривожлантиришда унга таъсир этувчи омилларни бошқариш йўналишларини белгилаш асосида ўрта ва узоқ муддатли давр учун мақсадли прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ушбу кўрсаткичларни таъминлаш учун зарур бўлган тадбирларни белгилашга ёрдам беради.

Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Статистика бошқармасининг етакчи экспертлари иштирокида ўтказилган эксперт таҳлили асосида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришини эндоген омил ҳисобланган кўрсаткичга саноат тармоғига жалб этилган инвестициялар ҳажми -  $X_1$ , саноат тармоғидаги бандлар сони -  $X_2$ , саноат тармоғидаги ўртача иш ҳақи миқдори -  $X_3$  ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат маҳсулоти ҳажми -  $X_4$  танланди. Маълумотлар STATA 16 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди. Тадқиқот йиллари давомида таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар барқарор тенденцияга эга эмаслиги аниқланди.



1-расм. Кўрсаткичлар тенденцияси



Танлаб олинган учинчи омил белги саноат тармоғидаги ўртача ойлик иш ҳақи 2015 йилда тасодифийлик мавжудлигини кўрсатмоқда. Таҳлилимизни кўрсаткичларни стационарликка текшириш билан давом эттирамиз. Олинган натижаларга кўра,  $X_3$  дан ташқари, бошқа барча кўрсаткичлар ностационар бўлиб, натижавий белги ҳамда  $X_4$  иккинчи тартибли интеграллашгандан кейин стационарликка айланди. Стационарликка текширганимиздан кейин кўрсаткичларнинг эконометрик моделларини ишлаб чиқамиз. Мавжуд маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир омил белги ва натижавий белги ўртасидаги алоқадорлик учун алоҳида моделларни шакллантираамиз.

$$\begin{cases} D2Lny = 0.05LD2lny - 0.14L2D2lny - 0.07LDlnx1 + 0.07L2Dlnx1 - 0.02 \\ D2Lny = 0.03LD2lny - 0.19L2D2lny + 0.22LDlnx2 - 1.49L2Dlnx2 + 0.06 \\ D2Lny = -2,11LD2lny + 0.60L2D2lny + 0.061LDlnx3 - 0.15L2Dlnx3 + 2.26 \\ D2Lny = -54,26LD2lny + 0.88L2D2lny + 53,62LDlnx4 - 55.31L2Dlnx4 + 0.56 \end{cases} \quad (5)$$

VAR модели асосида ишлаб чиқилган моделлар бўйича қуйидагича интерпретация берамиз. Саноат тармоғида жалб этилган инвестицияларнинг бир фоизга ортиши натижасида икки йилдан сўнг ҳудудий саноат ҳажми 0,07 фоизга ортишига олиб келар экан. Саноат тармоғида аҳолининг бандлиги бир фоизга ортиши шу йилнинг ўзида саноат маҳсулотларининг 0,22 фоизга кўпайишига таъсир этади. Саноат тармоғидаги ўртача иш ҳақи бир фоизга ортиши саноат маҳсулотларининг 0,06 фоизга ортишига олиб келади.

Аниқланган моделдаги эндоген омил учун Фишер мезони қиймати 10688,56 га тенг бўлиб, унинг аҳамияти 0,000000 га тенг. Бундан кўришиб турибдики, тузилган тренд моделини аҳамият жиҳатидан амалиётда қўллаш мумкин. Бундан ташқари, Теил нотенглик коэффициенти 0,0037 га, Теил U2 коэффициенти 0,043 га, Биас нисбати 0 га, вариация нисбати 0,00003 га, ковариация нисбати 0,9999 га ҳамда симметрик  $MARPE=1,21$  га тенг эканлиги тузилган модел параметрларининг аҳамиятли эканлигини исботлайди.

Шунингдек, модель Акиаке ахборот мезони (11,46), Шварц мезони (11,61) ва Ханнан-Куин мезони (11,29) орқали баҳоланган. Ушбу мезонлар қиймати ҳам тренд моделини қўллаш мумкинлигини кўрсатади. Тузилган эконометрик моделда автокорреляция мавжудлигини аниқлаш имконини берувчи Дарбин-Уотсон ( $DW$ ) мезони 1,78 га тенг бўлиб, оптимал чегара 2,0 атрофида эканлиги ҳисобга олинса, моделнинг сифати нисбатан юқори эканлигини, яъни автокорреляция даражаси паст эканлигини кўриш мумкин.

Кўп омилли боғланиш асосида аниқланган модель иқтисодий кўрсаткичларнинг келгуси даврда танланган омиллар таъсирида маълум бир чегарадаги хатоликларни ҳисобга олган ҳолда ўзгаришини олдиндан прогнозлаш имконини беради. Тадқиқот жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий саноат тармоғи томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ҳам 4 та асосий омил таъсирида келгуси давр учун прогноз қийматларни аниқлашда қўл келади (7-жадвал).

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажми ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг 2022-2026 йиллар учун ARIMA модели асосидаги прогноз кўрсаткичлари<sup>14</sup>**

| Кўрсаткич номи  | Модель                 | Йиллар  |         |         |         |         |
|---|------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
|   |                        | 2022    | 2023    | 2024    | 2025    | 2026    |
| Ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм                       | arima y, arima(1.2.1)  | 12822,5 | 13981,3 | 14137,0 | 15451,5 | 16766,0 |
| Саноат тармоғига жалб этилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм    | arima x1, arima(2.1.1) | 4378,0  | 4789,4  | 5200,8  | 5612,3  | 6023,7  |
| Саноат тармоғида бандлар сони, минг киши                        | arima x2, arima(1.2.2) | 61,5    | 62,9    | 64,3    | 65,7    | 67,1    |
| Саноат тармоғидаги ўртача иш ҳақи миқдори, минг сўм             | arima x3, arima(1.1.1) | 5180,2  | 5529,6  | 5879,0  | 6228,4  | 6577,9  |
| Аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат маҳсулоти ҳажми, минг сўм | arima x4, arima(2.2.1) | 6172,4  | 6869,5  | 7566,6  | 8263,7  | 8960,8  |

Таҳлилларимизга кўра, республикада 2022 йилда ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажми 12822,5 млрд. сўмга, 2026 йилда эса 16766,0 млрд. сўмга етиши прогноз қилинмоқда. 2026 йилдаги ушбу кутилаётган натижага ҳудудий саноат тармоғига жалб этилаётган инвестиция ҳажмини 6023,7 млрд.сўмга, тармоқда банд бўлганлар сонини 67,1 минг кишига, ишловчиларнинг ўртача иш ҳақини 6577,9 минг сўмга ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат маҳсулоти ҳажмини 8960,8 минг сўмга етказиш ҳисобига эришилади.

<sup>14</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллифтомонидан ишлаб чиқилган.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва илмий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Тадқиқотда саноат корхоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини комплекс статистик баҳолаш мақсадида бир қатор хусусий кўрсаткичлардан самарали фойдаланиш тавсия этилди. Жумладан, функционал компонентларга кўра гуруҳланган, умумлаштирувчи ва интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш статистик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини статистик таҳлил қилишнинг асосий йўналишларидан бири унинг иқтисодий салоҳиятларини, ички бозор имкониятларини ва ўсиш манбаларини аниқлашга, белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга, бозор ўзини ўзи бошқаришни таъминлайдиган, иқтисодий барқарор бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун объектив ахборот асосларини яратишга қаратилган иқтисодий самарадорлигини статистик таҳлил қилиш ҳисобланади.

3. Рақобат шароитида саноат корхоналар иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишларни тизимли статистик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ саналади. Жумладан: ҳудудлар даражаларида саноат корхоналари фаолиятини замонавий статистик усуллар асосида таҳлил қилиш; корхоналарни модернизациялаш ва диверсификация қилиш даврида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш; саноат корхоналари статистика тизимида статистик маълумотлар билан ишлаш ва уларни тарқатиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва х.клар.

4. Таҳлилларимизга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йилда саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида истеъмол товарлари улуши 46,0 фоизга тенг бўлиб, ушбу маҳсулотларнинг кўп тури, жумладан тоғ-кон, фармацевтика маҳсулотлари, тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат, ва қурилиш материаллари бўйича импортга қарамлиликни қисқартириш имконини берди.

5. Қорақалпоғистон Республикасида таркибий ўзгартириш, маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини янада чуқур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқариш ҳамда етакчи тармоқларни фаол диверсификация ва модернизация қилишни амалга оширувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли, саноат (қурилиш билан бирга) ўсиш суръати республикада 2021 йилда 108,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, унинг ЯҲМ таркибидаги улуши деярли ўртача 26-27 фоизни, тармоқда банд бўлганлар умумий бандларни 9,0 фоизини ташкил этмоқда.

6. Қорақалпоғистон Республикаси саноат корхоналарини иқтисодий салоҳияти ва самарадорлигига эришиш учун, аввало, бошқарувнинг ташкил этиш, мақсадлари, воситалари ва уларга эришиш усуллари ва

стратегияларини аниқ белгилаб олиш зарур. Корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланадиган юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, инқирозга учрашдан сақлайди. Илмий ишда бу жиҳатлар кўп омилли статистик таҳлил этилиб, илмий хулосалар чиқарилган.

7. Замонавий шароитда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида саноат корхоналари фаолиятининг барқарорлигини ва истиқболда бардавом ривожланишни таъминлаш зарурлиги билан боғлиқ бўлган прогнозлаш ишларининг бажарилиши муҳим аҳамият касб этади. Саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш истиқболларини прогноз қилиш имконини берадиган статистик таҳлил усулларидадан фойдаланиш корхона молия-иқтисодий соҳасидаги салбий тенденциялар ва инқироз ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишга қаратилган бошқарув қарорларини ахборотли ва таҳлилий таъминот имкониятларини кенгайтириш имконини беради.

8. Статистика ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартибларида муҳим ўзгаришларни белгилаш бизнес юритишга қулайликларни яратишда ҳам муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли бу борада қилинадиган муҳим ўзгаришлар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим:

саноат статистикаси ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартибларини соддалаштирилган шакллари, уларнинг дастурий таъминотларини шакллантириш, уларнинг халқаро нормалар (МХТ-2008)га мос келувчи тизимини шакллантириш;

саноат статистикаси ҳисоботларини қиёсий таҳлилийлигини таъминлаш мақсадида, жамланган маълумотларнинг акслантирилганлик таомилига ўтиш тавсия этилади. Яъни саноат корхоналари фақат ахборот берувчи эмас, балки олувчи бўғинга ҳам айланиши лозим;

статистика ҳисоботларини инновациялар, инновацион технологиялар, инновацион маҳсулотлар, интеллектуал капитал, капитал самардорлиги, каби муҳим кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим ва х.к.

9. Келгусида Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг ҳудудларида саноат корхоналари иқтисодий самардорлигини статистик баҳолашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш тавсия этилади: мақсадли дастурларни амалга ошириш; янги корхоналарни барпо этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; бозорни маҳаллий саноат маҳсулотлари билан таъминлаш; кўшма корхоналарнинг улушини ошириш; маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш; ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари экспорт кўламини кенгайтириш ва бошқалар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2021.I.16.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**САРИЕВ КАХРАМАН РАМАТУЛЛАЕВИЧ**

**ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ  
(на примере Республики Каракалпакстан)**

**08.00.06 – Эконометрика и статистика**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Ташкент- 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована под номером №B2020.3.PhD/Iqt1422 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Гайибназаров Баходир Каримович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Салимов Бахтиёр Таджиевич**  
доктор экономических наук, профессор

**Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_: \_\_ ч. на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2021.I.16.03 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100066, г.Ташкент, ул.Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-66; факс: (99871) 239-27-23; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный номер №\_\_\_\_\_). Адрес: 100066, г.Ташкент, ул.Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-66.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол реестра № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)

**Г.К.Абдурахманова**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор.

**Б.Д.Хажиев**  
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент.

**Н.М.Махмудов**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях интеграции мировой экономики важное значение приобретает повышение конкурентоспособности промышленных предприятий и эффективности деятельности хозяйствующих субъектов, целенаправленное использование современных передовых технологий и инноваций. Основными приоритетами в мире определены комплексное развитие промышленных предприятий, расширение географии экспорта продукции за счет широкого внедрения инновационных разработок и достижение устойчивых темпов экономического развития. «Факт, что доля промышленности в ВВП составляет в развитых странах в среднем 40%, а в развивающихся странах – в среднем 20-25%»<sup>1</sup> определяет необходимость проведения научных исследований по дальнейшему развитию этой отрасли в будущем<sup>1</sup>.

В мире проводятся многочисленные научные исследования по целенаправленному использованию современных статистических методов при анализе хозяйственной деятельности промышленных предприятий, комплексной статистической оценке и прогнозированию, а также повышению экономической эффективности на основе интегральных показателей. Вместе с тем, наблюдается повышенный интерес к вопросам совершенствования методологии современной статистической оценки инновационного потенциала промышленных предприятий за счет совершенствования международной системы национальных счетов («СНС-2008»), комплексного применения системных методов статистического анализа. Также, востребовано проведение научных исследований по статистической оценке экономической эффективности и развития инновационной деятельности промышленных предприятий, структурных изменений в экономической деятельности промышленных предприятий в передовых странах и совершенствования экономических отношений.

В Узбекистане также проводится системная работа по обеспечению эффективного использования комплекса экономического потенциала в деятельности промышленных предприятий, статистической оценке экономической эффективности, статистическому анализу финансово-инвестиционного потенциала. Также, в Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены такие приоритетные задачи, как «углубление структурных изменений, повышение конкурентоспособности промышленных предприятий и увеличение экспортного потенциала»<sup>2</sup>. Эффективная реализация этих задач требует совершенствования использования методов международного стандарта системы национальных счетов («СНС-2008»), разработанного в 2008 году, при оценке экономического развития промышленных предприятий в регионах,

---

<sup>1</sup><http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve;www.wb.org;https://stud-files.net/preview/4404434/page:30/>.

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28.01.2022 г. «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы». Lex.uz.

исследования и прогнозирования статистических аспектов повышения экономической эффективности. Это определяет актуальность темы данной диссертации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» № УП-60, от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947, от 8 сентября 2017 года «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан» №УП-5185, постановлениях Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года «О Государственной программе по развитию региона Приаралья на 2017-2021 годы» №ПП-2731, от 8 августа 2017 года «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов» №ПП-3182, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 года «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» №841, а также других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Отдельные проблемы статистического анализа хозяйственной деятельности промышленных предприятий и их экономической эффективности исследованы в произведениях и научных трудах ряда ведущих зарубежных экономистов, в том числе, Ананд М. Джоглекар, Рон Кенетт, Роберт С. Витте, Б.Роберт, М.Фужита, Б.Шаун, Т.В Шабанова, А.А. Тумасян, Л.И.Василевская, В.В.Полякова, Н.В.Шабранова В.А. Цыганов, В.М. Синельников, А.А. Халафян и другие, проводили соответствующие научные исследования<sup>3</sup>. Также, в научных работах отечественных экономистов, таких как

---

<sup>3</sup> Anand M. Joglekar. Industrial Statistics: Practical Methods and Guidance for Improved Performance Wiley; 1st edition (April 5, 2010) P. 288; Ron S. Kenett. Modern Industrial Statistics: The Design and Control of Quality and Reliability. Cengage Learning; 1st edition (January 20, 1998), p. 640. Robert S. Witte. Statistics, Wiley; 11th edition (December 21, 2016), p.496. Roberts B. National and regional corporate spatial structure / B. Roberts, A. Murray // The Annals of Regional Science. 2002. Vol. 36.; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. - The MIT Press, 2001. P. 384. B.Shaun and H. Glenn. Microregionalism and world order: concepts, approaches and implications. London: Palgrave Macmillan, 2003. P. 272. Шабанова Т.В. Статистика промышленности: учебное пособие / ВШТЭ СПбГУПТД.-СПб., 2017.- 63 с.; Тумасян, А. А. Статистика промышленности: учебное пособие / А. А. Тумасян, Л. И. Василевская. – Минск: Новое знание. – Москва: Инфра-М, 2017. – 429 с.; В.В.Полякова, Н.В.Шабранова «Основы теории статистики» Учебное пособие. 2-ое издание. Екатеринбург 2015 г.; В.А.Цыганов, В.М.Синельников «Статистика» учебное пособие по специальности «Экономика и организация производства в отраслях агропромышленного комплекса» Минск. БГАТУ. 2021. – 452 с. Халафян А.А. Промышленная статистика: Контроль, качества, анализ процессов планирование экспериментов в пакете STATISTIKA. Учебное пособие. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. –384 с.



